

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01.  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИРХАМИТОВА ДИЛОРОМ ХУДАЙБЕРДИЕВНА**

**АЗОТ ТУТГАН ГЕТЕРОЦИКЛИК БИРИКМАЛАРНИ ЮҚОРИ АСОСЛИ  
СИСТЕМАЛАР ИШТИРОКИДА ВИНИЛЛАШ**

**02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Content of dissertation of doctor of science (DSc)**

**Мирхамитова Дилором Худайбердиевна**

Азот тутган гетероциклик бирикмаларни юқори асосли  
системалар иштирокида виниллаш ..... 3

**Мирхамитова Дилором Худайбердиевна**

Винилирование азотсодержащих гетероциклических соединений в  
присутствии высокоосновных систем..... 27

**Mirkhamitova Dilorom**

Vinylation of nitrogen-containing heterocyclic compounds in the  
presence of high-base systems ..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 53

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01.  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИРХАМИТОВА ДИЛОРОМ ХУДАЙБЕРДИЕВНА**

**АЗОТ ТУТГАН ГЕТЕРОЦИКЛИК БИРИКМАЛАРНИ ЮҚОРИ АСОСЛИ  
СИСТЕМАЛАР ИШТИРОКИДА ВИНИЛЛАШ**

**02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/K19 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tkti.uz](http://www.tkti.uz)) ва “Ziynet” таълим ахборот тармоғида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Нурманов Сувонкул Эрханович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Махсумов Абдухамид Гафурович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Максумова Ойтўра Ситдиковна**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Юнусов Мирахмад Пулатович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги 27.06.2017.Т.04.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси 32-уй. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail:tkti\_info@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги №\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.М. Туробжонов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**А.С. Ибодуллаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**Г. Рахмонбердиев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, к.ф.д. профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда азот тутган бирикмаларнинг винил ҳосилалари қишлоқ хўжалигида, фармацевтика, кимё саноати, текстил, лок-бўёқ, нефт-газ кимёси соҳаларида ва улардан махсус хусусиятли полимерлар, сорбентлар, инсектицидлар, пигментлар, доривор препаратлар, фотосезгир материаллар, биологик фаол моддалар, рангли плёнкалар, пластиклар, термостабилловчи толалар ва композицион материаллар олишда қўлланилмоқда. Шу сабабли азот атоми тутган бирикмаларни виниллаш жараёнига таъсир этувчи турли табиатли катализаторлар, органик эритувчилар ва уларнинг аралашмалари, шунингдек юқори асосли муҳитлар иштирокида винил ҳосилаларини ҳамда муҳим кимёвий компонентлар синтез қилиш технологияларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда азот тутган органик моддаларни юқори босимда ацетилен бирикмалари билан виниллаш, оғир ва нозик органик синтез жараёнларини атмосфера босимида олиб бориш, фаол водород атоми тутган моддаларнинг винил бирикмаларини атмосфера босимида юқори асосли системаларда олиш усулларини яратиш, олинган моддалардан турли хил кимёвий моддалар, полимерларга қўшимчалар, қишлоқ хўжалиги учун кимёвий моддалар олиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда кимё саноати корхоналарини қайта реконструкция қилиш ва қўшимча цехлар ташкил этиш, уларда янги технология бўйича ацетиленни юқори самарадорлик билан ишлаб чиқариш, хомашёни янги захираларини яратиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслардан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар олиш технологияларини яратиш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хомашё бўлган ацетилен асосида органик синтез маҳсулотлари ишлаб чиқариш усулларини яратишга, олинган маҳсулотларни тузилишини, физик-кимёвий, технологик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги, 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2831-сон «Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида лойиҳа ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури» тўғрисидаги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон фармони.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг: VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Азот тутган гетероциклик бирикмаларни юқори асосли системалар иштирокида виниллаш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Россия Фанлар Академияси Сибир бўлимининг органик кимё, Кинетика ва ёниш жараёнлари институти, Губкин номидаги Россия Давлат университети (Россия), Какатия университети (Ҳиндистон), Ковентри университети (Буюк Британия), Аликанта университети (Испания), Токоху ва Токио технология институти (Япония), Шанхай органик кимё институти (Хитой), Технология университети (Нидерландия), Биокимё институти (Германия), Органик кимё институти (Дания), Феррара университети (Италия), Каприна Федерал университети (Бразилия), Виржиния университетларида (АҚШ) илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Азот тутган гетероциклик бирикмаларни юқори асосли системалар иштирокида виниллаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижалар олинган, жумладан: виниллаш жараёнига селектив катализаторлар яратилган (А.Е.Фаворский номидаги Иркутск кимё институти, Россия), ацетилен бирикмаларини селектив гидрогенлаш жараёнлари аниқланган (Какатия университети, Ҳиндистон), виниламинлар синтезида эритувчилар ишлаб чиқариш технологияси яратилган (Каприна Федерал университети, Бразилия), ацетилен бирикмаларни гетероатом тутган функционал гуруҳли ҳосилалари синтези, хоссалари ва тузилиши аниқланган, ишқорий ва нанотузилишли катализаторлар иштирокида винилбирикмалар синтез қилинган (Токио университети, Япония; Элементорганик моддалар институти, Россия), гипервалентли ва учкоординацияланган гетероҳалқали бирикмалар олинган (Вена технология университети, Австрия), гетероатом тутган функционал гуруҳли ацетилен ҳосилаларини синтези, тузилиши ва хоссалари (Иркутск кимё институти, Россия) ҳамда ацетилен бирикмалари винил ҳосилаларини хоссалари аниқланган (Губкин номидаги Россия Давлат университети).

Дунёда азот тутган гетероциклик бирикмаларни юқори асосли системалар иштирокида каталитик виниллаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: азот тутган гетероциклик бирикмаларни винил ҳосилаларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш; виниллаш жараёнига янги авлод катализаторларини яратиш; хоссаларини ўрганиш; виниламинлар асосида кимё ва тиббиётда ишлатилувчи доривор моддалар олиш.

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.isser.rssi.ru](http://www.isser.rssi.ru), [www.elsevier.com](http://www.elsevier.com), [www.edunews.ru](http://www.edunews.ru), [www.eilbrary.com](http://www.eilbrary.com), [www.fundamentalresearch.ru](http://www.fundamentalresearch.ru) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ацетилен асосида винилбирикмалар синтез қилиш бўйича Б.А.Трофимов, О.Н.Темкин, Р.М.Флид, Л.Б.Фишер, И.Л.Котляревский, А.А.Петров, Б.Гусев, А.В.Шелкунов, Пару Рам Пао, Л.Панивника, Йоко Ямамото, Биао Жианг, А.Г.Махсумов, К.М.Ахмеров, Т.С.Сирлибоев, Д.Юсупов, А.Икромов, Б.Ф.Мухиддинов, С.Э.Нурмонов ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борган.

Улар томонидан доривор препаратлар синтези; уларнинг биологик хоссалари; жараёнлар учун юқори асосли ва нанотузилишли системалар яратиш; гетероциклик бирикмаларни винил ҳосилалари синтези; жараёни атмосфера босимида амалга ошириш технологиясини ишлаб чиқиш; реакция боришини мақбул шароитини топиш; юқори асосли ва нанотузилишли каталитик системаларни қўллаш; виниллаш жараёнини математик моделлаш ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга гетероҳалқали бирикмаларни виниллаш жараёни асосида нефть саноати; қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда фойдаланиш мумкин бўлган винилбирикмалар олиш; ушбу жараёнларга янги авлод каталитик системаларини яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А19-2000 «Аминлар асосида янги винил бирикмалар синтези ва уларни қўлланилиш соҳаларини излаш» (2000-2002 йй.), А-9.6 «Ацетилен ва унинг айрим ҳосилаларини аммиак билан гетероген-каталитик реакциясида муҳим, импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган азот тутган органик бирикмалар - пиридин ва пиримидин асослари синтезининг юқори эффектив, янги, технологик қулай усулларини ишлаб чиқиш» (2009-2011 йй.), ЁФ-7-05 «N-винилбирикмалар синтези учун наноструктурали катализаторлар шаклланишининг илмий асослари» (2014-2015 йй.) ва ОТ-ЁА-12-05 «N-винилбирикмалар синтези учун янги наноструктурали катализаторлар ишлаб чиқиш ва олинган моддаларни қўлланилиши» (2017-2018 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Азот тутган гетероциклик бирикмаларни юқори асосли системалар иштирокида виниллаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

пиперидин, пиридин, морфолин, анилин, о-толуидин ва 1,2,3-бензотриазолларни ацетилен иштирокида атмосфера босимида виниллаш реакцияси натижасида N-винилбирикмалар олиш жараёнини тизимли тадқиқ қилиш;

азот тутган бирикмаларни виниллаш жараёнига янги каталитик системалар яратиш;

N-винилбирикмаларнинг унумига турли омиллар (катализаторлар ва эритувчилар табиати ҳамда миқдори, реакция давомийлиги, ҳарорат ва бошланғич моддалар моль нисбати) таъсирини аниқлаш;

танланган аминлар ва улар асосида олинган винил ҳосилаларни квант-кимёвий ва молекуляр-динамик ҳисоблашларини олиб бориш ҳамда виниллаш жараёнларини математик моделлаштириш;

виниллаш жараёнининг кинетикасини ва N-винилбирикмаларнинг ҳосил бўлиш механизмини тадқиқ қилиш;

азот тутган бирикмаларни виниллаш жараёнида қўлланиладиган катализаторлар олиш;

синтез қилинган бирикмаларни кимёвий хоссаларини ва биологик фаоллигини аниқлаш;

азот тутган гетероциклик бирикмаларни юқори асосли системалар иштирокида виниллаш усулини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** танланган аминлар ва уларнинг винил ҳосилалари, ишқорлар асосидаги катализаторлар, юқори асосли ва наносистемалар ҳамда органик апротон дипольяр эритувчилар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** ацетилен, пиперидин, пиридин, морфолин, анилин, о-толуидин, 1,2,3-бензотриазол, КОН-ДМСО ва КОН-ДМСО-CsF юқори асосли системалари, фаоллантирилган кўмир/КОН нанотузилишли каталитик системаси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Гомоген ва гетероген-каталитик виниллаш, газ-суюқлик хроматографияси, юпқа қатлам хроматографияси, ПМР- ва ИҚ-спектроскопия, элемент анализ, оптик микроскоп (МБИ-6), СТАТ дастури, квант-кимёвий (PM-3, MNDO-3) ярим эмпирик усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

пиперидин, пиридин, морфолин, анилин, о-толуидин ва 1,2,3-бензотриазолни ацетилен билан атмосфера босимида каталитик виниллаш жараёни учун табиати турлича бўлган эритувчилар ва катализаторлар яратилган;

КОН-ДМСО-CsF юқори асосли системасининг танланган аминларни виниллашдаги роли кўрсатилган ва жараёнларни олиб боришнинг мақбул шароити топилган, танланган аминларни виниллашда, асосан, N-виниламинлар, пиридинда эса 3-винилпиридин ҳосил бўлиши исботланган;

танланган аминлар ва уларнинг винил ҳосилаларини квант-кимёвий ва молекуляр-динамик кўрсаткичлари аниқланган;

виниллаш жараёни математик моделлаштирилган ва технологик параметрлари аниқланган;

N-винилбирикмалар синтези учун фаоллантирилган кўмир/КОН асосида олинган янги наноструктурали каталитик система ишлаб чиқилган;

N-винилбирикмаларнинг гомоген ва гетероген усулларда ҳосил бўлиш механизми асосланган;

N-винилбирикмаларни биологик фаоллиги (заҳарлилик даражаси ва яллиғланишга қарши хусусияти) ва нефт саноати металл қурилмалари биокоррозиясини келтириб чиқарувчи микроорганизмларга қарши ингибиторлик хоссаси аниқланган;

азот тутган гетероциклик бирикмалардан юқори асосли системалар иштирокида виниламинлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашё- ацетилен асосида пиперидин, пиридин, морфолин, анилин, о-толуидин ва 1,2,3-бензотриазолни атмосфера босимида виниллаш натижасида винилҳосилалар синтез қилинган ва жараёнлар оптималлаштирилган;

фаоллантирилган кўмир/ КОН асосида янги наноструктурали каталитик система ишлаб чиқилган ва уларни қўллаш натижасида гетероген усулда юқори унум билан мос равишдаги N-винилбирикмалар синтез қилинган;

синтез қилинган N-винилпиперидин ва N-винилморфолинларни юқори биологик фаолликка эга эканлиги ва кам захарлилиги аниқланган;

виниламинларнинг нефт саноати металл қурилмалари биокоррозиясини келтириб чиқарувчи микроорганизмларга қарши ингибиторлик хоссаси аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Диссертация тадқиқоти замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари (ИҚ- ва ПМР-спектроскопия, элемент анализ, газ-суюқлик хроматография, юпка қатлам хроматография) билан исботланган. Спектрал усуллардан олинган натижалар Hyper Chem ва ChemDraw Ultra замонавий компьютер дастурларида текширилиши билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пиперидин, пиридин, морфолин, анилин, о-толуидин ва 1,2,3-бензотриазолни атмосфера босимида каталитик виниллаш амалга ошириш, N-винилбирикмалар синтези жараёнининг мақбул шароитини топиш, маҳсулот унумига асосий омиллар (каталлизатор ва эритувчилар табиати ҳамда миқдори, ҳарорат, реакция давомийлиги) таъсирларини илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллиги ўрганилганлиги, N-винилпиперидин ва N-винилморфолинларнинг каррагенин таъсирида юқтирилган яллиғланишга қарши хусусияти тиббиётда қўлланиладиган аспирин препаратига яқин эканлиги ва ушбу моддалар нисбатан кам захарли бирикмалар туркумига кириши ва улар асосида нефт саноати металл қурилмалари биокоррозиясини келтириб чиқарувчи микроорганизмларга қарши ингибиторлар ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Азот тутган гетероциклик бирикмаларни юқори асосли системалар иштирокида виниллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аминларни гетероген усулда виниллаш учун яратилган гетероген ва нанотузилишли каталлизаторлар олиш технологияси «Электрокимёзавод» ҚК АЖда амалиётга жорий этилган («Электрокимёзавод» ҚК АЖнинг 2016 йил 3 ноябрдаги 265-сон маълумотномаси). Натижада виниллаш жараёни юқори асосли ва наносистемалар иштирокида олиб борилганда виниламинларни юқори унум билан олиш имконини берган;

яратилган юқори асосли ва нанотузилишли каталитик системалар асосида аминларни гетероген усулда виниллаш жараёни технологияси

«Электрохимзавод» ҚК АЖда амалиётга жорий этилган («Электрохимзавод» ҚК АЖнинг 2016 йил 3 ноябрдаги 265-сон маълумотномаси). Натижада виниламинларни олиш унумини 3 баробар ошириш имконини берган;

наногузилишли каталитик системаларидан ЁФ7-002 рақамли «Заҳарли органик моддалар фотодеструкцияси учун металлуксидли нанокомпозитлар асосидаги наногузилишли фотокатализаторларнинг молекуляр дизайни» лойиҳасида нанокомпозитлар яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 30 декабрдаги ФТА-02-02/1405-сон маълумотномаси). Натижада янги нанокомпозит системалар яратиш имконини берган;

азот тутган гетероциклик бирикмаларни юқори асосли ва наногузилишли системаларда каталитик виниллаш усулидан ОТ-Ф-7-52-рақамли «Турли табиатли органик ва ноорганик моддаларнинг таъсирлашиш қонуниятлари ва реакция қобилияти ҳамда берилган комплекс хоссали янги бирикмаларни олиш» лойиҳасида органик моддалар синтезида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 30 декабрдаги ФТА-02-02/1405-сон маълумотномаси). Натижада яратилган усул юқори асосли ва наногузилишли каталитик системалар иштирокида винилбирикмаларни юқори унум билан олиш имконини берган;

азот тутган гетероциклик бирикмаларни яратилган юқори асосли ва наногузилишли системаларда каталитик виниллаш усулидан «Helmholtz Zentrum Berlin»нинг (Германия) 646659-рақамли «Нанореактор» лойиҳасида наногузилишли системаларда катализаторлар сифатида фойдаланилган («Helmholtz Zentrum Berlin» (Германия) илмий муассасасининг 2019 йил 1 апрелдаги маълумотномаси). Натижада олинаётган маҳсулот унумини 33% ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 18 та Халқаро ва 10 та Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 49 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та илмий мақола, жумладан 3 та хорижий ва 10 та республика илмий журналларида чоп этилган. Шунингдек мазкур илмий тадқиқот ишининг умумлаштирилган натижалари асосида 1 та монография, 1 та дарслик, 2 та ўқув қўлланма нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 193 босма матнда баён қилинган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи. Азот тутган гетероциклик бирикмаларнинг винилҳосилаларини ацетилен иштирокида синтези ва уларнинг хоссалари**» деб номланган биринчи бобида ацетилен кимёсида юқори асосли системаларнинг роли, нанотузилишли каталитик системаларнинг олиниши ва органик синтезда қўлланилиши, гетероциклик аминларнинг винил ҳосилаларини синтези, аминларнинг винил бирикмалари асосида синтез қилинадиган биологик фаол моддалар, уларнинг кимёвий хоссалари ҳамда қўлланилиши, ацетилен молекуласи билан ишқорнинг гидроксил гуруҳи ҳосил қилган комплекслари ва ацетиленнинг водороди билан алмашинган ҳосилаларини олиш, азот тутган гетероҳалқали бирикмалар, турли пиридин асосларининг ацетилен билан реакциялари турли катализаторлар иштирокида юқори ҳароратларда ўрганилгандаги натижалар келтирилган.

Виниллаш жараёнлари гомоген шароитида амалга оширилганда аммиак ва аминларнинг винил ҳосилалари синтези, гетероҳалқали учламчи аминлар – пиридин, хинолин ва изохинолин каби бирикмаларнинг ацетилен билан таъсирлашиши натижасида винил бирикмалар ҳосил бўлишига оид хорижий ва маҳаллий адабиёт манбаларининг таҳлили келтирилган. Шулар асосида азот тутган органик бирикмаларни гетероген-каталитик виниллаш реакциялари ва ушбу жараёнларга нанотузилишли катализаторларни қўллаш, шунингдек органик бирикмаларни виниллаш жараёнини математик моделлаштиришнинг ҳамда диссертация мавзусининг долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.


Диссертациянинг «**Тажриба қисм. Ишлатилган моддалар тавсифи, ацетилен билан виниллаш жараёни усуллари, синтез қилинган бирикмаларнинг таркибини анализ қилиш**» деб номланган иккинчи бобида ишлатилган моддаларни физик кўрсаткичларини аниқлаш, аминларни гомоген ва гетероген шароитларда виниллаш усуллари, гетероген катализаторларни тайёрлаш усули, фаоллантирилган кўмир асосида нанотузилишли каталитик системаларни олиниши ва уларнинг анализи, синтез қилинган моддаларнинг таркиби ва тузилишини аниқлашнинг физик-кимёвий усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «**Аминларни виниллаш жараёни тадқиқоти, синтез қилинган моддаларнинг хоссалари**» деб номланган учинчи бобида эса азот тутган гетероциклик винилбирикмаларнинг олиниши, маҳсулот унумига турли хил омиллар (органик эритувчилар ва катализаторлар табиати ҳамда миқдори, ҳарорат, реакция давомийлиги ва бошқалар) таъсирини аниқлаш натижалари, виниллаш жараёнларида юқори асосли системаларнинг роли батафсил ёритилган. Шунингдек, виниллаш жараёнларининг кинетикасини ўрганишда

олинган кўрсаткичлар ва фаолланиш энергияси қийматлари ҳамда уларнинг таҳлили келтирилган.


N-Винилбирикмаларни гомоген ва гетероген шароитларда синтез қилиш ҳолатлари муҳокама қилинган. Уларни КОН-ДМСО ва КОН-ДМСО-CsF юқори асосли системалар иштирокида атмосфера босимида синтез қилишнинг қонуниятлари келтирилган.

Ишда циклик аминларни КОН-ДМСО-CsF, КОН-ДМСО ва КОН-ДМФА юқори асосли системаларда виниллаш реакциялари ўрганилган. Виниллаш жараёнида ДМСО нинг аҳамияти шундаки, КОН-ДМСО системасида дастлаб система ионларга ажралади ва юқори асосли, кам сольватланган димсил-аниони ҳосил бўлади:



Умуман, бундай ҳолатларда муҳитнинг электр ўтказувчанлиги, водород боғланиш ва бошқа омилларнинг ўзгаришини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Маълумки, винилбирикмалар синтези учун фаол водород атоми тутган моддалар, жумладан бирламчи ва иккиламчи аминобирикмалар ишлатилади. Шулардан келиб чиқиб, пиперидин, пиридин, морфолин, анилин ва о-толуидин, 1,2,3-бензотриазолни ацетилен иштирокида атмосфера босимида каталитик виниллаш реакциялари системали тадқиқ қилинди. Пиперидинни виниллаш реакциясининг умумий схемаси қуйидагича:




Пиперидинни виниллаш реакциясини амалга оширишда жараёнга эритувчи табиати таъсири ўрганилди. Бунда эритувчи сезиларли таъсир қилиши кузатилди, эритувчисиз N-винилпиперидин унуми кам миқдорни (4,1%) ташкил қилди. Айнан шу шароитда, ДМСО эритувчисида эса маҳсулот унуми 19,4 % га тенг бўлди. ДМФА эритувчисида 60-65 °С ҳароратда, катализатор-КОН миқдори 10% (пиперидин массасига нисбатан) бўлганда унум 14,2% ни ташкил қилди. Бундан ташқари пиперидинни виниллаш реакцияси 10% КОН ва 3% ZnO (пиперидин массасига нисбатан) тутган катализатор иштирокида ҳам олиб борилди. Рух оксидини иштироки N-винилпиперидин унумини бир мунча оширди ва 17,1 % га тенг бўлди. Бунда ZnO нинг роли ацетиленнинг эрувчанлигини қисман яхшилади. Қуйида пиперидинни виниллаш жараёни натижалари келтирилган (1-жадвал).

**Пиперидинни ацетилен билан виниллаш реакцияси  
(реакция давомийлиги - 2 соат)**

№	Эритувчи	Ҳарорат, °С	Катализатор микдори КОН, % (пиперидин массасига нисбатан)	N-винилпиперидин унуми, %
1	-	55-60	10	4,1
2	ДМСО	55-60	10	19,4
3	ДМФА	60-65	10	14,2
4	ДМФА	60-65	10+3 % (ZnO)	17,1


Виниллаш жараёнида қўлланилган эритувчилар орасида эса ДМСО нисбатан фаол деб топилди. Пиперидинни ацетилен билан реакциясининг кинетикаси ўрганилди ва олинган натижалар асосида тезлик логарифмини ( $\lg W$ ) тескари ҳароратга ( $1/T$ ) боғлиқлик графиги орқали (1-расм) реакциянинг фаолланиш энергияси ( $E$ ) ҳисобланди, унинг қиймати 72,5 кЖ/молга тенг.



**1-расм. Пиперидинни виниллаш жараёнида  $\lg W$  ни  $1/T$  га боғлиқлиги.**


N-винилпиперидинни тузилиши ИҚ- ва ПМР-спектроскопия усуллари орқали, тозалиги эса ЮҚХ и ГСХлари ёрдамида исботланди.

N-Винилпиперидиннинг ИҚ-спектридаги (2-расм) характерли ютилиш соҳалари қуйидагича:  $1500-1530 \text{ см}^{-1}$  – C=C винил гуруҳининг валент тебранишлари,  $1420 \text{ см}^{-1}$  – метилен гуруҳининг деформацион тебранишлари,  $2850-2900$ ,  $2980 \text{ см}^{-1}$  метилен гуруҳларининг симметрик ва асимметрик тебранишларига мос келади.



**2-расм. N-винилпиперидиннинг ИҚ-спектри.**

N-Винилпиперидинни кимёвий хоссалари ўрганиш мақсадида галогенлар билан реакцияси амалга оширилди. Бромлаш мисолида таркибида тўйинмаган гуруҳнинг борлиги сабабли бирикиш реакциясига киришиши ва бунда 1-(1,2-диброметил)пиперидин ҳосил бўлиши аниқланди:



Жараён боришига ҳарорат (20-40 °C) ва реакция давомийлиги (1-4 соат) таъсири ўрганилди. Бромлашни олиб боришда бромнинг 0,625 мол/л хлороформдаги эритмасидан фойдаланилди, маҳсулотнинг максимал унуми 89,6 % ни ташкил этди. Синтез қилинган 1-(1,2-дибромэтил)пиперидинни ИҚ-спектридаги характери частоталари қуйидагича: 1420 см<sup>-1</sup>– метилен гуруҳининг деформацион тебранишлари, 2850-2900, 2980 см<sup>-1</sup> метилен гуруҳларининг симметрик ва асимметрик тебранишлари, 515-680 см<sup>-1</sup> C-Br боғининг валент тебранишларининг ютилиш чизиқлари кузатилди.

Азот тутган гетероциклик бирикмаларнинг табиатини виниллаш жараёнига таъсирини ўрганиш мақсадида пиперидинни ацетилен иштирокида

атмосфера босимида гомоген ва гетероген-каталитик виниллаш реакциялари амалга оширилди ва 3-винилпиридин ҳосил бўлиши аниқланди. Реакциянинг умумий схемаси қуйидагича:



Реакция боришига эритувчи табиати, реакция давомийлиги, катализатор-КОН миқдори ва ҳарорат каби омиллар таъсири ўрганилди ва жараённинг муқобил шароити топилди: катализатор-КОН миқдори 15% (пиридин массасига нисбатан), эритувчи-ДМСО, гомоген усулда ҳарорат 90 °С, гетероген усулда эса 180 °С. Бунда 3-винилпиридин унуми мос равишда 35,0 ва 45,1% ни ташкил қилди. Пиридинни гомоген усулда виниллаш орқали олинган натижалар асосида жараённи фаолланиш энергияси ( $E=41,0$  кЖ/моль) ҳисобланди.

Гетероциклик аминларни хоссаларини солиштириш мақсадида юқори асосли системаларда (КОН-ДМСО- $\text{CsF}$  ва КОН-ДМФА- $\text{CsF}$ ) морфолинни виниллаш реакцияси тадқиқ қилинди ва мос равишда N-винилморфолин ҳосил бўлиши аниқланди:




Морфолинни виниллаш реакциясига органик эритувчилар табиати ва концентрациясининг таъсири аниқлаш мақсадида жараён КОН-ДМСО- $\text{CsF}$  системасида атмосфера босимида турли реакция давомийлиги ва ҳароратларда олиб борилди. Жараённинг фаолланиш энергияси ҳисобланди, унинг қиймати 55,6 кЖ/молга тенг. Морфолинни гетероген-каталитик виниллаш жараёни ҳам тадқиқ қилинди. Реакция оқимда ишлайдиган реакторда гетероген катализаторлар иштирокида амалга оширилди (3-расм).

Ацетилен газгольдердан (1) тозалаш учун концентрланган сульфат кислота ва моноэтаноламинни тўйинган эритмаси бўлган скрубберлардан (2) ўтказилади. Ацетиленнинг миқдори реометр (3) орқали назорат қилинади. Кейин аралаштиргич (4) орқали катализатор тўлдирилган оқимда ишлайдиган реакторга (5) берилади, аминобирикмалар эса дозатордан (6) аралаштиргич орқали реакторга юборилади. Реакторнинг ҳарорати логометр (7) ёрдамида аниқланади ва автотрансформатор ёрдамида бошқарилади. Реакцион аралашма (катализат) совутгич (8) ёрдамида совутилади ва йиғгичга (9) келиб тушади. Реакцияга киришмаган газлар совутгич (8) орқали газгольдерга (10) йиғилади.

Ишда 32 мм диаметрли ( $D_p$ ) реактор, заррача 4-5 мм диаметрли ( $D_k$ ) катализатордан ( $D_p/D_k=8:1$ ) фойдаланилди. Бунда контакт сифатида гранула ҳолатдаги фаоллантирилган кўмирга шимдирилган КОН (30 масс.%) ишлатилди ва жараёнда ушбу усулда ҳам N-винилморфолин ҳосил бўлиши аниқланди. Газ

фазада мақбул ҳарорат 250-255<sup>0</sup>С бўлиб, бунда маҳсулот унуми 31,7% ни ташкил қилди.



1-газгольдер; 2-қуритиш учун скрубберлар; 3-реометр; 4-аралаштиргич;  
5-реактор; 6-дозатор; 7-логометр; 8-совитгичлар; 9-йиғгич; 10-газгольдер

**3-расм. Аминларни гетероген-каталитик виниллаш жараёнининг технологик схемаси.**

Морфолинни ацетилен билан реакцияси ультра товушли диспергатор ёрдамида диспергирланган 100 нм дан 3 мкм гача ўлчамли фаоллантирилган кўмирга шимдирилган КОН (30 %) катализаторлари иштирокида ҳам амалга оширилди. Бунда фаоллантирилган кўмирнинг 20, 30, 40 ва 60 минутда седиментацион фракцияланган заррачалари қўлланилди (2-жадвал).


**2-Жадвал**

**Фаоллантирилган кўмир заррачаларининг ўлчамига диспергация вақтининг таъсири**

№	Диспергация вақти, мин.	Фаоллантирилган кўмир заррачаларининг ўлчами
1	-	1-3 мкм
2	10	700-900 нм
3	20	500-750 нм
4	30	300-550 нм
5	40	200-320 нм
6	60	100-150 нм

Натижада УЗДН-2Т ультратовушли диспергатор қурилмасида 60 минут давомида 100-150 нм ўлчамли фаолантирилган кўмир заррачалари олинди.

Турли хил вақтда олинган диспергирланган заррачаларнинг микроскопик тасвири олинди ва таҳлил қилинди (4-расм).



(а) 10 минут; б) 20 минут; в) 30 минут; г) 40 минут; д ва е) 60 минут)

**4-расм. Турли диспергациялаш вақтида фаолантирилган кўмир заррачаларининг микроскопик тасвири.**

Расмдаги д ва е тасвирларда фаолантирилган кўмир заррачалари дендрамер ҳолатда, бу эса системанинг нанотузилишли хоссага эга эканлигини билдиради.

Морфолинни виниллаш реакцияси 100-150 нм ўлчамли фаоллантирилган кўмир заррачалари асосида тайёрланган катализатор иштирокида 160-280 °С оралиғида амалга оширилди (3-жадвал).

### 3-Жадвал


#### **N-винилморфолин унумига 100-150 нм ўлчамли фаоллантирилган кўмир асосида тайёрланган катализатор иштирокида ҳарорат таъсири**

Реакция ҳарорати, °С	N-винилморфолин унуми, %
160	52,3
180	57,8
200	59,4
220	64,7
240	68,5
260	65,2
280	60,4

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, морфолинни ацетилен билан 100-150 нм ўлчамидаги нанотузилишли фаоллантирилган кўмир/КОН асосидаги реакциясида мақбул ҳарорат – 240°С деб топилди ва бунда N-винилморфолин унуми 68,5 % ни ташкил этди.

Морфолинни виниллашда олинган лаборатория тажриба натижалари асосида фаоллантирилган кўмир/калий гидроксиди асосида катализатор ишлаб чиқарилди ва у катталаштирилган қурилмада N-винилморфолин синтези учун қўлланилди ва амалиётда ишлатишга тавсия этилди.

Маълумки, ароматик аминлар гетероциклик аминларга нисбатан виниллаш реакциясига қийинроқ киришади. Адабиётларда бундай аминларни виниллаш реакцияси юқори босимларда олиб борилган. Шулардан келиб чиқиб, анилинни виниллаш реакцияси атмосфера босимида турли реакция давомийлигида, органик эритувчилар: ДМСО ва бензолда олиб борилди. Бунда ДМСО да анилинни N-винил ҳосиласи 9% унум билан ҳосил бўлиши аниқланди:




Анилин аминогуруҳининг реакцион қобилиятига пиридин ҳалқасидаги метил гуруҳини таъсирини ўрганиш мақсадида о-толуидинни КОН-ДМСО ва КОН-ДМФА юқори асосли системалар иштирокида виниллаш реакцияси ўрганилди ва N-винил-2-метиланилиннинг максимал унуми ДМСО да 16,0 % ни ташкил қилди. Реакциянинг фаолланиш энергияси қиймати 81,8 кЖ/молга тенг.




Тадқиқ қилинган аминларни виниллаш реакцияларининг аниқланган фаолланиш энергиялари ушбу туркум реакцияларни нисбатан осон кетадиган жараёнларга киришини билдиради.

Ароматик халқали аминлардан 1,2,3-бензотриазолнинг ҳам ацетилен билан реакцияси тадқиқи қилинди ва N-винил-1,2,3-бензотриазол ҳосил бўлиши аниқланди ва ДМСО-КОН юқори асосли системасининг роли кўрсатилди.



Умумий ҳолда:



Реакция боришига ва маҳсулот унумига ҳарорат (4-жадвал) ва ацетиленни реакцион фазага киритилиш тезлиги таъсири ўрганилди ва маҳсулотнинг максимал унуми 130 °С, ацетилен тезлиги 4,5 л/соатда 48,1 % бўлиши аниқланди.

**4-Жадвал**


**N-Винил-1,2,3-бензотриазол унумига ҳарорат таъсири**

№	Ҳарорат, °С	N-Винил-1,2-бензотриазол унуми, %
1	80	25,6
2	90	31,8
3	100	36,4
4	110	40,1
5	120	42,6
6	130	44,7

N-винил-1,2,3-бензотриазолнинг ИҚ-спектри таҳлили: 3150-3100  $\text{см}^{-1}$  да иккиламчи амин гуруҳи, 2200-2000  $\text{см}^{-1}$  да азот атомига бириккан винил гуруҳи, 1500-1600  $\text{см}^{-1}$  да ароматик ҳалқага хос бўлган ютилиш чизиқлари, 1100-1050  $\text{см}^{-1}$  да триазин гуруҳига хос ютилиш чизиқлари аниқланган.


Диссертациянинг «N-Винилбирикмаларнинг электрон тузилиши, квант-кимёвий ҳисоблашлари, ҳосил бўлиш механизми ва қўлланилиши, жараёни математик моделлаштириш» деб номланган тўртинчи бобида қўлланилган аминлар ва уларнинг винил ҳосилаларини электрон тузилишлари, квант-кимёвий ҳисоблашлари ҳамда танланган аминларни виниллаш жараёнини математик моделлаштириш, винилҳосилаларнинг реакцияда ҳосил бўлиш механизми, синтез қилинган айрим N-винилбирикмаларнинг биологик фаоллигини ўрганиш натижалари ва уларнинг таҳлили келтирилган.

Намуна сифатида пиперидин ва N-винилпиперидин молекулаларининг квант-кимёвий ҳисоблашлари, РМ-3 ярим эмпирик усули ёрдамида олинган фазовий геометрияси ва электрон тузилиши натижалари келтирилди (5-расм).




**5-расм. Пиперидин (а) ва N-винилпиперидин (б) молекулаларининг 3D тузилиши.**

Ўрганилган молекулаларда зарядларнинг атомларда тақсимланиши шуни кўрсатдики, пиперидин молекуласида манфий заряд қиймати гетероциклик ҳалқадаги азот атомида бир мунча кўпроқ жамланган (6-расм).



**6-расм. Пиперидин (а) ва N-винилпиперидин (б) молекулалари атомларида зарядларнинг тақсимланиши.**


Пиперидин ва N-винилпиперидин (7-расм) молекуларида электрон зичликнинг тақсимланишида пиперидин ҳалқасидаги азот атомининг электроманфийлиги юқори бўлганлиги сабабли электрон зичлик нисбатан юқори ва бошқа молекулаларнинг бирикиши мумкин бўлган реакцион марказ ҳисобланади.




**7-расм. Пиперидин (а) ва N-винилпиперидин (б) молекуларида электрон зичликнинг тақсимланиши.**

Азот тутган гетероциклик бирикмаларнинг молекулаларининг электрон тузилиши ва энергетик хоссалари (умумий энергияси, ҳосил бўлиш энергияси, ҳосил бўлиш иссиқлиги, электрон энергияси, ядро энергияси, дипол моменти, азот атомининг заряди) квант-кимёвий ҳисоблашларни ярим эмпирик усули ёрдамида ҳисобланган қийматлари орқали гетероциклик бирикма молекуларида реакцион марказни аниқлаш мумкин бўлади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамиятини таҳлил қилишда ва технологик параметрларини топишда жараёни математик моделлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ишда танланган аминларни ацетилен билан виниллаш реакцияси математик моделлаштирилди ва жараённинг иконограммалари келтирилди.



**8-расм. Морфолинни виниллаш жараёнини математик моделлаштириш иконограммаси.**



**9-расм. Морфолинни виниллаш жараёнида реакция тезлигининг ҳарорат ва реакция давомийлиги боғлиқлик иконограммаси.**

Азот тутган гетероциклик бирикмаларни виниллаш жараёнида маҳсулот унумига реакция тезлиги, ҳарорат ҳамда реакция давомийлигининг биргаликдаги таъсири уч ўлчамли системада келтирилди. Аниқланган боғлиқлик қуйидаги тенглама орқали ифодаланади:

$$y = -133,34 + 4,15x_1 - 0,028x_1^2 + 2,78x_2 - 0,47x_2^2$$

бунда:  $y$ - маҳсулот унуми (%);  $x_1$ - ҳарорат ( $^{\circ}\text{C}$ );

$x_2$ - вақт давомийлиги (соат).

Виниллаш жараёни шароитини оптималлаштиришнинг технологик шarti маҳсулот унумини ошириш ҳисобланади:  $y(x_1, x_2) \rightarrow \max$


Моделлаштириш натижалари асосида жараённинг математик ифодаси келтириб чиқарилди.  $x_1=74,9^{\circ}\text{C}$ ;  $x_2=2,92$  соат;  $y=24,52\%$ ;  $z=3,92 \cdot 10^{-4}$  мол/л.с.

Азот тутган гетероциклик бирикмаларни виниллаш жараёнини оптималлаштириш мақсадида тажриба натижалари MathCad дастурида математик қайта ишланди. Виниллаш жараёнидан олинган натижаларни таҳлил қилиб, математик кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$y = a \cdot t^3 + b \cdot t^2 + c \cdot t + d \quad (1)$$

бу ерда:  $y$ - маҳсулот унуми;  $t$ - ҳарорат;  $a, b, c, d$ - аналитик боғлиқликда иштирок этувчи аниқловчи коэффициентлар.

N-Винилбензотриазол унумининг ҳароратга боғлиқлиги қуйидаги 10-расмда ўз аксини топган.



**10-расм. N-Винилбензотриазол унумининг ҳароратга боғлиқлиги.**

Математик қайта ишлаш учун жараён параметрларини қуйидаги тенглама ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$y = at^3 + bt^2 + ct + d \quad (2)$$

$a, b, c, d$  - номаълум коэффициентлар.

